

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 3 (15)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Қозимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduvoidova Ruxshonaxon Akramjon qizi SHAYBONIY HUKUMDORLARINING BIRINCHI VA OXIRGI BIRLASHTIRGAN JANG – JOM JANGI	5
2	Abdullayev Akmaljon Hasanboy o‘g‘li MANG‘ITLAR SULOLASI HUKMDORLARINING TASHQI QIYOFASINI TIKLASHDA SUN‘IY IDROKNING IMKONIYATLARI	10
3	Адилов Абдор Анварович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	16
4	Бабаджанов Хасан Бахтиёрлович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁҒ-МОЙ САНОАТИ	27
5	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТУҒРИСИДА	36
6	Габриэльян Софья Ивановна ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ИРАНА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА	43
7	Дорошенко Татьяна Ивановна ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ТУРКЕСТАНЕ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	53
8	Ishanxodjayeva Zamira Raimovna IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKSTON XOTIN-QIZLARINING IQTISODIY HAYOTDAGI ISHTIROKI (TOSHKENT SHAHRI VA TOSHKENT VILOYATI MISOLIDA)	62
9	Jabbarova Iqbol Xo‘jamuratovna SUV XO‘JALIGINI BOSHQARISHDA INSTITUTSIONAL ISLOHOTLAR: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI	71
10	Kimsanova Ruxshona Xayrulla qizi SEVINCHIXO‘JAXON VA KELDI MUHAMMADXON DAVRIDA TOSHKENT HUKUMRONLIGI	77
11	Mamataliyeva Arofatxon Yuldashali qizi O‘ZBEK MILLIY OSHXONASI VA PALOV AN‘ANASINING MILLIY BREND SIFATIDA SHAKLLANISHI	85
12	Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	91
13	Musayev Azizbek Baxridinovich MANBALARDA XVII ASR FARG‘ONA VODIYSINING IJTIMOY-SIYOSIY HAYOTI AKS ETISHI	103
14	Nazarov Xumoyun Alisherovich MARKAZIY OSIYO QADIMGI JAMIYATLARI TARAQQIYOTIDA IQLIMIY OMILLAR VA LANDSHAFT TRANSFORMATSIYASI	110
15	Нарбеков Абдикамил Вафаевич ВОПРОСЫ АВТОХТОННОСТИ УЗБЕКОВ В ТУРКЕСТАНЕ	120
16	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich SAMARQAND VILOYATI KATTAQO‘RG‘ON TUMANI “JIZMONSOY” MFY.DAN TOPGAN TANGALAR XUSUSIDA	126

17	Очилдиев Файзулла Бабакулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН	144
18	Palvanov Hikmatmatjon Axmatjonovich XORAZM VONASI ANTIK DAVRI METALL HUNARMANDCHILIGINING BA'ZI XUSUSIYATLARIGA DOIR MULOHAZALAR	152
19	Солиев Махмуджон Махамаджонович ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚСИМОТИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИ ИШЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА: ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 йй.)	159
20	Tolibjonov Azizjon Tolibjonovich XORAZMSHOH-ANUSHTEGINIYLAR DAVLATI VA ABBOSIYLAR XALIFALIGI O'RTASIDAGI SIYOSIY ALOQALAR (OTSIZ MAKTUBLARI MISOLIDA)	167
21	Usarov Umid Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYA SENATINING A'ZOSI, GRAF K.K. PALEN BOSHCHILIGIDA TAFTISH KOMISSIYASI HISOBOTLARIDA TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING AKS ETTIRILISHI	174
22	Xakimov Adhambek Ahmadjon o'g'li XIV ASRNING 50-70 YILLARIDA MOVAROUNNAHRDAGI SIYOSIY VAZIYATNI O'RGANISHDA TEMURIYLAR DAVRI MANBALARINING O'RNI	184
23	Xolikulov Axmadjon Boymaxammadovich AMIR HAYDAR HUKMRONLIGI YILLARIDA BUXORO – XIVA MUNOSABATLARI	191
24	Холикулова Шахноза Боймухамматовна ЧИРЧИҚ КИМЁГАРЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ	200
25	Юлдашева Шохсанам Юнусали кизи ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МЕЖПАРЛАМЕНТСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В 2017-2026 ГОДАХ	207
26	Yunusova Xurshida Erkinovna MAMLAKAT QISHLOQ XO'JALIGIDA ISLOHOTLARNING BOSHLANISHI VA UNING MUAMMOLARI	214

Мусаев Н.У.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, т.ф.д.

Ўзбекистон Миллий университети

MusayevN@gmail.com

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ

АННОТАЦИЯ

Европада капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши Россия саноат ишлаб чиқаришига таъсир кўрсатди, бу ерда шаклланиб келаётган буржуазия дастлаб тўқимачилик саноатига эътиборини кучайтирди ва бозорлар ҳамда хом ашё қидириб Кавказ ва Ўрта Осиё бозорлари кўз олайтирди. Улар АҚШдан талаб катта бўлган навларини келтиришди. Туркистон темир йўли ишга туширилгач пахта етиштириш ва саноат корхоналари қуришга қизиқиши ошган кўплаб рус ва хорижий компаниялар кириб келдилар.

Калит сўзлар: АҚШдаги фуқаролар уруши, Чоризм маъмурлари, ҳарбий-феодал идора усули, рус буржуазияси, Кавказ ва Ўрта Осиё бозорлари, пахтачилик, шовинистик ҳаракатлар.

КИРИШ

XIX аср ўрталарида Европа мамлакатларида капиталистик ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожланиши Россия каби ҳарбий-феодал идора усулига асосланган давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Европанинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлган Англия, Германия, Италия, Франция каби мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши бўйича фан техника соҳасида эришилган ютуқлар бу жиҳатдан анча орқада бўлган Россияга ҳам кириб кела бошлади. Ўша вақтда Россия империясининг бошқарув тизими асосан дворянлар ва помещиклар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлсада, янгидан шаклланиб келаётган буржуазия билан ҳам ҳисоблашишга мажбур эди. Чунки, бу даврда капиталистик саноат ишлаб чиқариш усуллари шаклланиб янги саноат марказлари вужудга кела бошлаган, завод ва фабрикалар сони кўпайган, транспорт алоқалари яхшиланган, урбанизация жараёни тезлашиб, шаҳарлар кенгая бошлаган эди. Бу ишларнинг бошида турган буржуазия мамлакат иқтисодий тараққаётида етакчи ўринни эгаллай бошлади.

Айниқса, 1861-йилда Россияда деҳқонлар қарамлигини бекор қилувчи ислохотдан кейин эркинликка эришган деҳқонларнинг шаҳарларга оқими тезлашиб, қўшимча ишчи кучини яратдилар. Бу ҳол Россияда саноат ишлаб чиқаришининг жонланиб, капиталистик муносабатларнинг тезлашишига олиб келди. Бироқ, Россия саноатининг малака жиҳатидан Европага нисбатан орқада бўлган ишчилари тайёрлаган маҳсулотлар Европа бозорларидаги рақобатга бардош бера олмади. Шундан кейин рус буржуазияси Кавказ ва Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш ҳаракатига тушдилар.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Дунё капитализмдан империализм босқичига ўта бошлагач босқинчилик орқали осон бойиш илинжида юрган корчалонлар Буюк Британия томонидан Ҳиндистонни босиб олиниши ва уни тожидаги бебаҳо жавоҳирга айлантириб олишига ҳавас ва ҳасад билан қарашиб, уни қайта-қайта эътироф эта бошлаган эди. Чоризм маъмурлари ҳам имкониятдан фойдаланиб қолиш учун Ўрта Осиёга босқинчилик ҳаракатларини бошладилар. Бу даврда Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ва адоватлардан усталик билан фойдаланган рус маъмурияти ва генераллари қисқа вақт ичида ўлканинг катта қисмини эгаллаб, уни мустамлакага айлантиришда жонбозлик кўрсатдилар. Россия империяси томонидан босиб олинган ҳудудларда мустаҳкам ўрнашиб олиш ва уларни идора қилиш учун 1867-йили Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди.

Илгари Вильно генерал-губернатори бўлган, бироқ Болтиқ бўйида юритган шовинистик ҳаракатлари учун ишдан олинган айёр генерал фон К.П.Кауфман Туркистон генерал-губернатори қилиб тайинланди. Ўзига ўзига берилган “Туркистон ўлкасида тартиб ўрнатувчи” деган номни оқлаш учун 15 йил (1867-1882) давомида чоризмнинг ўлкада мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш учун садоқат билан хизмат қилди. К.П.Кауфман ва унинг издошлари Россия империяси ҳамда рус буржуазияси манфаатлари учун ўлкани хом ашё базаси ва саноат маҳсулотларини сотиш бозорига айлантиришда жонбозлик кўрсатдилар. Натижада, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудуди янги босиб олинган ерлар ҳисобига мунтазам кенгайтириб борилди. Унинг таркибига 1868-йили Зарафшон округи, 1873-йили Амударё бўйлари, 1867-йили Фарғона, 1899-йили Каспийбўйи вилоятлари қўшиб олинди. Шундай қилиб, генерал-губернаторликнинг жаъми майдони 1533255 км. квадратни ташкил этди[1].

Чоризм ҳукумати ўлкани кўлда ушлаб туриш учун босиб олишнинг ўзи етарли эмаслигини ҳис қилишиб, бу ерга Россиянинг марказий районларидан “ортиқча” нотинч аҳолини кўчириш сиёсатини олиб бордилар. Туркистонда тафтиш ишларини олиб борган сенатор К.К.Пален Россия манфаатларини кўзлаб куйидаги фикрларни баён қилган: “Бу ўлка Россияга қўшилган кундан бошлаб рус ҳукуматни икки томонлама: 1) молиявий сиёсат нуқтаи-назаридан давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида; 2) мустамлакачилик сиёсати нуқтаи-назаридан ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида қизиқтиради[2]”. Чекка ўлкаларга ортиқча аҳолини кўчириш шунчаки эҳтиёж учун қилинган иш эмас эди. Чунки, “Крепостной ҳуқуқни бекор қилиш” ҳақидаги ислохотдан кейин қишлоқ хўжалиги ишларидан бўшаган русийзабон аҳолининг катта қисми шаҳарларга келиб, турли соҳаларда (биринчи навбатда саноат тармоқларида) ишлашга мажбур бўлдилар. Илгари қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг мунтазам суратда камайиб бориши, уларнинг иш қидириб шаҳарларга кела бошладилар. Капиталистик ишлаб чиқаришга хос бўлган бу жараёнга тўкнаш келган деҳқонлар ўзлари учун ёт бўлган саноат ишлаб чиқаришига мослашишга ёки бошқа юртларга кўчиб кетишга мажбур эдилар.

Бу даврда Россияда саноати буржуазияси нисбатан ривожланиб келаётган тўқимачилик хом ашёси танқислигини Туркистон пахтаси ҳисобига тўлдиришга киришди. П.Г. Галузо таъкидланидек, Ўрта Осиё Россия ҳукуматини Англиянинг Марказий Осиёга кириб келишига қарши стратегик курашда нафақат муҳим позиция сифатида, балки янги бозорларни «эгаллаб» олиш ҳамда эксплуатация қилиш объекти сифатида ҳам қизиқтирар эди. «Ўлкани бевосита босиб олишга ундовчи иқтисодий қизиқишлар заминида, - деб ёзади у, - рус савдо буржуазиясининг манфаатдорлиги ётар эди. Ўлка рус савдо капиталининг янги муомала райони сифатида босиб олинди. Рус савдо капиталининг операциялари ўлкада Россия саноати маҳсулотларини сотиш ва рус саноати учун хом-ашё олишга қаратилган бўлиб, савдо капиталининг манфаатлари, айни пайтда, саноат капиталининг манфаатлари ҳам эди. Бу ерда савдо капиталининг манфаати ва кон саноати манфаатлари қаердан бошланиб, қаерда тугадини ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ»[3].

Маълумки, Туркистон ўлкасини эгаллаб олиш учун олиб борилган босқинчилик урушлари даврида ўлкада пахта экиш кескин камайиб кетди. Натижада, йилига, ўртача 116654000 рубллик товар ишлаб чиқарган Россия тўқимачилик саноати 1868-йили Европа бозорларидан пахта сотиб олишни кўпайтиришга мажбур бўлди. Агар Россия, АҚШ даги 1861-1864 йилларда бўлган фуқаролар урушигача бўлган даврда Европа бозорларидан ҳар йили ўртача 3 млн. пудгача пахта сотиб олган бўлса, 1871-йили бу кўрсаткич 3225193 пудга ёки 48025715 рублга етди[4]. Бу пахтанинг асосий қисми воситачилар ёрдамида Ливерпул бозоридан сотиб олинган. Қолган қисми, яъни 639192 пуди (5972491 рубллик) Ўрта Осиёдан олиб келинган[5]. Бу Россияга ҳар йили ўртача 600-800 туяда келтирилган пахтанинг 21% ни ташкил этар эди. Албатта, Россия учун пахтани ҳали темир йўл қурилмаган шарқ мамлакатларидан кўра, темир йўлга ва портларга яқин бўлган Европа бозорларидан сотиб олиш арзон тушар эди.

Бирок, АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли Ливерпуль савдо ярмаркасига келадиган пахтанинг кескин камайиб кетиши, унинг нарзи кескиш ошиб кетишига сабаб бўлди. Пахта нархининг кескин ошиб кетишида фойдаланган туркистонлик савдогарлар маҳаллий ғўза навларини ҳам қимматлаштириб ўзлариюбордилар. Натижада, бир пуд пахтанинг нархи 6 рублдан 24 рублгача кўтарилди.

Туркистон пахтасининг Россия тўқимачилик саноати учун аҳамиятини яхши тушунган Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман ўлкага америка пахтаси навларини келтиришга киришди. У 1868-йили Тошкент яқинидан махсус пахта майдони ажраттириб, К.Н.Раевский деган олим-ҳосилотга америка пахтаси уруғларини экиш ҳақида кўрсатма берди. Аммо, биринчи йили ғўзага ишлов беришдаги тажрибасизлик ва шу йили Тошкентга эрта тушган совуқ туфайли пахта яхши пишмади. Шундан кейин М.И.Бродавский ва В.И.Самолевскийлар пахтачилик бўйича тажриба орттириш учун АҚШга жўнатилди[6]. В.И.Самолевский Тошкентга қайтиб келгач, пахта тажриба хўжалигини бошқарди. Америка пахтасини

иқлимлаштириш тажрибалари самарали натижа берди. Ундан маҳаллий ғўзага нисбатан сифатли ва узун тола олина бошланди.

Маҳаллий халқлар вакилларида америка пахта навини 1875-йили Тошкент яқинида, дастлаб Мулла Йўлчи Тўйчибоев эди. Бу нав Бухоро хонлигида, шунингдек, 1878-йили Андижон, Наманган, Қўқон ва Марғилонда ҳам экилган[7]. Янги пахта толаси Россия тўқимачилик корхоналарида синаб кўрилди ва яхши баҳо олди. Бироқ, бу нав кам ҳосилли бўлганлиги учун деҳқонларни қаноатлантирмас эди. Ниҳоят, XIX асрнинг 80-йилларида америка пахтасининг «Упланд» нави маҳаллий шароитга мос тушиб, сифатли тола ва кўп ҳосил бера бошлади. Ўлкада кўп ҳосил берадиган пахта навларининг экилиши пахтадан келадиган даромаднинг ошишига ва умумий пахта майдонларини кенгайишига олиб келди. Агар, 1883-йили америка нави бир неча десятина майдоннигина эгаллаган бўлса, 1884-йили у 450 десятинага, 1885-йили 1100 десятинага, 1886-йили 10 баробардан зиёд, кўпайиб 12000 десятинага, 1887-йили эса 14500 десятинага етди[8].

Янги пахта толаси Россия тўқимачилик корхоналарида синаб кўрилди ва яхши баҳо олди. Бироқ, бу нав кам ҳосилли бўлганлиги учун деҳқонларни қаноатлантирмас эди. Ниҳоят, XIX асрнинг 80-йилларида америка пахтасининг «Упланд» нави маҳаллий шароитга мос тушиб, сифатли тола ва кўп ҳосил бера бошлади. Ўлкада кўп ҳосил берадиган пахта навларининг экилиши пахтадан келадиган даромаднинг ошишига ва умумий пахта майдонларини кенгайишига олиб келди. Агар, 1883-йили америка нави бир неча десятина майдоннигина эгаллаган бўлса, 1884-йили у 450 десятинага, 1885-йили 1100 десятинага, 1886-йили 10 баробардан зиёд, кўпайиб 12000 десятинага, 1887-йили эса 14500 десятинага етди[9].

Туркистонда тайёрланаётган пахтанинг миқдори кўпайишига қарамасдан, у Россия тўқимачилик саноатининг 1/5 қисми эҳтиёжларини ҳам қондира олмас эди. 1887-йили Россияда 500 дан ошiq ип-йигирув ва тўқимачилик корхоналари ишлаб, улар йилига 231684000 рублик маҳсулот ишлаб чиқарар, бунинг учун йилига қарийб 11 млн. пуд пахта талаб қилинар эди. Бу даврда АҚШда ҳар йили ўртача 84 млн. пуд, Шарқий Ҳиндистонда 27 млн. пуд, Хитойда 16 млн. пуд, Мисрда 9 млн. пуд пахта етиштирилган. Булардан ташқари, яна 10 дан ошiq мамлакатларда пахта экилиб, дунёда жами етиштирилган пахта 1526675000 пудни ташкил этар эди[10]. Шундай қилиб, жаҳонда етиштирилган пахтанинг 55 фоизидан ошiqроғини АҚШ, 17 фоизини Шарқий Ҳиндистон ва 10 фоиздан ошiqғини Хитой етказиб берган.

Пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши маҳаллий аҳолидан ташқари йирик рус капиталистларини ҳам ўзига жалб қилди. XIX аср охирларида улар пахтага ихтисослашган йирик хўжаликлар туза бошладилар. Биргина Тошкент шаҳри атрофида тузилган бундай хўжаликларнинг пахтазорлари 4000 десятина бўлиб, бу жами пахта майдонининг 20% ни ташкил қилган. Бундай хўжаликлар орасида савдогар Беляковнинг 620 десятина, Катта Ярославль мануфактурасининг 400 десятина ва Тарсиннинг 200 десятина

ерлари бўлган, Фарғона вилоятида рус хўжаликлари 500 десятина ерда пахта етиштиришган, шундан 100 десятинаси Наманганда, 280 десятинаси Андижонда, 20 десятинаси Қўқонда ва 80 десятинаси Марғилонда жойлашган[11]. Бироқ, капиталистик типдаги бундай йирик пахтакор хўжаликлар ўз ерларидан самарали фойдалана олмадилар. Оқибатда, ишчиларини бўшатишга мажбур бўлиб, ерларини деҳқонларга чоракорлик шарти билан ижарага бердилар. Масалан, «Катта Ярославл мануфактураси» ишчиларини бўшатиб, ерларининг 304 десятинасини чоракорларга ижарага беришга мажбур бўлган.

Айрим капиталистик фирмалар ўз хўжаликларида янги технология ва тажрибаларни қўллашиб пахта етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилдилар. 1890-йили Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездида Кудрин фирмасига, шунингдек бошқа кишиларга тегишли бўлган 300 десятина ерда Америка пахтаси навлари етиштирила бошлади. Америка пахтаси навлари экилган майдонлар йилдан-йилга кенгайиб, 1888-йилдан 1915-йилгача Фарғона вилоятида 34,7 минг десятинадан 336,5 минг десятинага, ёки 950%, Сирдарё вилоятида 25,8 минг десятинадан 74,0 минг десятинага, ёки 240%, Самарқанд вилоятида 8 минг десятинадан 55,6 минг десятинага, ёки қарийб 700% кўпайди[12]. Кўриниб турибдики, америка пахта навларининг самарадорлигини деҳқонлар ҳам кўпроқ ҳис қила бошлаганлар.

Рус савдо-саноат буржуазияси ўлкада пахтачиликни мунтазам ривожлантиришга ҳаракат қилди. Ҳатто Бухоро ва Хива хонликларида ҳам пахтага эътибор кучайтирилди. Бу хонликларда экилган пахта толасининг сифати Фарғона ва Сирдарё вилоятлариникига нисбатан анча яхши бўлган. «Фарғона вилоятида пахта, шойи етиштириш анча ривожланган бўлса-да, бироқ сифати жиҳатидан Бухоро, айниқса, Хива маҳсулотларига нисбатан кейинда туради»[13]. Шунинг учун ҳам бу хонликларда америка пахтаси навларини экишга ортикча эътибор берилмаган.

Россиянинг тўқимачилик саноати билан боғлиқ капиталистлари ва маҳаллий буржуазия вакиллари пахтачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Пахтага бўлган доимий эҳтиёж рус савдо-саноат буржуазиясини ўлкада суғориш тизимларини ривожлантириш чораларини излашга мажбур қилди. Бу борада бир қатор таклифлар киритилди. Жумладан, ўша вақтда Россия империясида ер тузилиши ва деҳқончилик бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган Кривошейн бир неча марта Туркистонда деҳқонлар банки фаолиятини кенгайтириш, ўлкада қишлоқ хўжалиги мактабини вужудга келтириш, суғориш ишларини яхшилиш масаласини кўтарди.

1886-йилги Низом асосида 1888-йил 2-августда қабул қилинган кўрсатмага биноан сувдан фойдаланишни бошқариш ҳукуқи маҳаллий жамоалардан олиниб чоризм маъмуриятига берилди, суғориш тармоқлари кенгайтирила бошланди. И.И.Гейер маълумотига кўра, сунбий суғориш тармоқлари яхши ривожланган Фарғона водийсида Қорадарёдан 50 дан зиёд, Норин дарёсидан 14 та канал чиқарилди. Руслар иштирокида эса Сирдарёдан Хўжанд тумани ерларини суғориш учун Далварзин канали

қазилди. Бекобод қишлоғи яқинидан Николай I номланган канал қазилиши бошланди. У Мирзачўлда 8 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди. Булардан ташқари, Чирчиқ, Оҳангарон ва Арис дарёлари орқали суғориш тармоқлари янада кенгайтириш кўзда тутилди.

Туркистоннинг энг йирик сув тармоғи Амударёдан руслар эгаллаган ерларда 65 та канал қазилиб, улар 65 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди. Зарафшон дарёсидан қазилган каналлар орқали қарийб 400 минг десятина ер суғорилган. Шундан 268 минг десятинаси Бухоро амирлиги ихтиёрида бўлган[14]. Юқорида қайд қилинган суғориш тармоқлари Туркистоннинг асосий вилоятлари: Сирдарё, Самарканд ва Фарғона ҳудудларига тарқалган. Каспий олди вилоятини асосан Мурғоб, Тажан ва Атрек дарёлари сув билан таъминлаган. Ҳиндикуш тоғларидан бошланган Мурғоб дарёси, Отамиш ва Тўхтамиш каналлари орқали Марв воҳасини, Тажан дарёси Серахс ва Тажан воҳаларини, Атрек дарёси Красноводск уездининг жанубий қисмларини суғорган. Бироқ, бу суғориш тармоқлари, деҳқонларнинг сувга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга қодир эмас эди.

Россия империяси ҳукумати ўлка иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида суғориш тармоқлари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини инобатга олсада, уни такомиллаштиришга шошилмади. Масалан, 1899-йили Давлат кенгаши Мирзачўлда қарийб 65 километрлик канал қазилш учун 2025 минг сўм ажратган. Бироқ 1908-йилгача каналнинг бор-йўғи 11 км.дан зиёдроғи қазилган, холос[15]. Ўлкада суғориш ишлари билан шуғулланган Игнатъев комиссияси бундай лоқайдликка барҳам бериш мақсадида қуйидаги таклифни киритган: «...Ўлкада суғориш тармоқларини кенгайтириш учун ҳукуматнинг етарли маблағ ажратишга умид боғлаш бефойда. Бундай ҳолда суғориладиган давлат ерларини янги ариқлар қазилш шарти билан ҳамда суғориш иншоотларининг аҳамиятига қараб 3 йилдан 10 йилгача муддат билан давлат солиқларидан озод қилиш ҳисобига хусусий шахслар ва жамоаларга ижарага бериш зарур»[16]. Суғориш тармоқларига эътиборсизлик меҳнаткашлар оммасининг жиддий норозилиги сабаб бўлсада, чор маъмурлари бундай норозиликларга эътибор бермас эдилар.

XX аср бошларида Туркистонда хусусий суғориш корхоналари вужудга келди. Улар орасида «Сирдарё», «Қароқчиқум» ва «Пахтачилик» каби йирик ширкатлар бўлиб, Қўқон биржа қўмитасининг маълумотларига кўра, уларнинг эътибори «ҳазинага, жамоаларга ва хусусий шахсларга тегишли пахта майдонларини суғориш ва эксплуатация қилиш»га қаратилган эди[17]. Шу мақсадда «Сирдарё» ширкати 355 десятина ерни сотиб олган, қўшимча яна «Қорашаҳар» жамоасидан 234 десятина ерни ижарага олган, «Пахтачилик» жамияти турли қишлоқлардаги хусусий ер эгаларидан қарийб 1,7 минг десятина ерни ижарага олган[18]. Бундай хусусий ва ижарага олинган ерлар яна чоракорларга ижарага берилган. Бу жамиятнинг фаолияти капиталининг суғориш тармоқларига ҳам кириб келганлигини кўрсатади. Бироқ, бу капитал ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун эмас, балки

эксплуатация қилишни кучайтириш орқали хусусий бойликни кўпайтириш учун сарфланди.

Россиянинг марказий шаҳарларида пахта хомашёсига бўлган талабнинг тобора ошиб бориши Туркистонда қайта ишлаш саноатининг шаклланишига туртки бўлди. 1870-йилда Самарқанд шаҳридаги 1610 та савдо ва ҳунармандчилик иншоотлари, жумладан, 12 та чо'ян қуйиш, 34 та шам-совун ва 30 та тери корхоналарини солиққа тортиш мақсадида улар умумий “завод” ва “фабрика” деб аталган. Бироқ, ҳақиқий саноат корхоналари асосан хомашёга дастлабки ишлов беришга ихтисослашди. Каспиёрти темир йўлининг қурилиши натижасида пахта тозалаш саноати иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланди ва заводлар сони 1893-йилдаги 14 тадан 1908-йилда 35 тага етди. 1915-йилга келиб Туркистон ўлкасидаги 1061 та саноат корхонасининг аксарияти (Самарқанд вилоятида 175 та) пахта тозалаш, ёғ-мой, вино-ароқ соҳаларига ихтисослашган эди[19].

Айрим капиталистик фирмалар ўз хўжаликларида янги технология ва тажрибаларни қўллашиб пахта етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилдилар. 1890-йили Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездида Кудрин фирмасига, шунингдек бошқа кишиларга тегишли бўлган 300 десятина ерда Америка пахтаси навлари етиштирила бошлади. Бу пахта навлари экилган майдонлар йилдан-йилга кенгайиб, 1888-йилдан 1915-йилгача Фарғона вилоятида 34,7 минг десятинадан 336,5 минг десятинага, ёки 950%, Сирдарё вилоятида 25,8 минг десятинадан 74,0 минг десятинага, ёки 240%, Самарқанд вилоятида 8 минг десятинадан 55,6 минг десятинага, ёки қарийб 700% кўпайди[20]. Кўриниб турибдики, америка пахта навларининг самарадорлигини деҳқонлар кўпроқ ҳис қила бошлаганлар.

Россиянинг тўқимачилик саноати билан боғлиқ капиталистлари ва маҳаллий буржуазия вакиллари пахтачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Пахтага бўлган доимий эҳтиёж рус савдо-саноат буржуазиясини ўлкада суғориш тизимларини ривожлантириш чораларини излашга мажбур қилди. Бу борада бир қатор таклифлар киритилди. Жумладан, ўша вақтда Россия империясида “Ер тузилиши ва деҳқончилик бошқармаси” бошлиғи бўлиб ишлаган Кривошейн бир неча марта Туркистонда деҳқонлар банки фаолиятини кенгайтириш, ўлкада қишлоқ хўжалиги мактабини вужудга келтириш, суғориш ишларини яхшилиш масаласини кўтарди.

1886-йилги Низом асосида 1888-йил 2-августда қабул қилинган кўрсатмага биноан сувдан фойдаланишни бошқариш ҳуқуқи маҳаллий жамоалардан олиниб чоризм маъмуриятига берилди, суғориш тармоқлари кенгайтирила бошланди. И.И.Гейер маълумотига кўра, сунъий суғориш тармоқлари яхши ривожланган Фарғона водийсида Қорадарёдан 50 дан зиёд, Норин дарёсидан 14 та канал чиқарилди. Руслар иштирокида эса Сирдарёдан Хўжанд тумани ерларини суғориш учун Далварзин канали қазилди. Бекобод қишлоғи яқинидан Николай I номланган канал қазилиши бошланди. У Мирзачўлда 8 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди. Булардан ташқари, Чирчиқ, Оҳангарон ва Арис дарёлари орқали

суғориш тармоқлари янада кенгайтириш кўзда тутилди. Туркистоннинг энг йирик сув тармоғи Амударёдан руслар эгаллаган ерларда 65 та канал қазилиб, улар 65 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди. Зарафшон дарёсидан қазилган каналлар орқали қарийб 400 минг десятина ер суғорилган. Шундан 268 минг десятинаси Бухоро амирлиги ихтиёрида бўлган[21]. Юқорида қайд қилинган суғориш тармоқлари Туркистоннинг асосий вилоятлари-Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона ҳудудларига тарқалган. Каспий олди вилоятини асосан Мурғоб, Тажан ва Атрек дарёлари сув билан таъминлаган. Ҳиндикуш тоғларидан бошланган Мурғоб дарёси, Отамиш ва Тўхтамиш каналлари орқали Марв воҳасини, Тажан дарёси Серахс ва Тажан воҳаларини, Атрек дарёси Красноводск уездининг жанубий қисмларини суғорган. Бироқ, бу суғориш тармоқлари, деҳқонларнинг сувга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга қодир эмас эди.

Россия империяси ҳукумати ўлка иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида суғориш тармоқлари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини инобатга олсада, уни такомиллаштиришга шошилмади. Масалан, 1899-йили Давлат кенгаши Мирзачўлда қарийб 65 километрлик канал қазииш учун 2025 минг сўм ажратган. Бироқ 1908-йилгача каналнинг бор-йўғи 11 км.дан зиёдроғи қазилган, холос[22]. Ўлкада суғориш ишлари билан шуғулланган Игнатъев комиссияси бундай лоқайдликка барҳам бериш мақсадида қуйидаги таклифни киритган: «...Ўлкада суғориш тармоқларини кенгайтириш учун ҳукуматнинг етарли маблағ ажратишга умид боғлаш бефойда. Бундай ҳолда суғориладиган давлат ерларин янги ариқлар қазииш шарти билан ҳамда суғориш иншоотларининг аҳамиятига қараб 3 йилдан 10 йилгача муддат билан давлат солиқларидан озод қилиш ҳисобига хусусий шахслар ва жамоаларга ижарага бериш зарур»[23]. Суғориш тармоқларига эътиборсизлик меҳнаткашлар оммасининг жиддий норозилиги сабаб бўлсада, чор маъмурлари бундай норозиликларга эътибор бермас эдилар.

Суғориш тизимини яхшилашга бўлган талабнинг ошиб бориши туфайли капиталистик муносабатлар суғориш тармоқларига ҳам кириб кела бошлади. Ўлканинг суғориш тизими муаммоларидан усталик билан фойдаланган ишбилармонлар сув чиқариши қийин бўлган дарё ва сойлар бўйларига ўрнатиб олишган насосларидан баландликларга сув чиқариб, ўз эҳтиёжларидан ортган сувни насос сотиб олиш имкони бўлмаган деҳқонларга сотишган. Агар деҳқонлар мавсумда ерларини уч марта суғоришса, ҳар ботмон ер учун ўртача 60 сўм тўлашган. Шу йўл билан ишбилармонлар суғориб берган ҳар ботмон ер учун 40 сўм фойда олишган.

XX аср бошларида Туркистонда хусусий суғориш корхоналари вужудга келди. Улар орасида «Сирдарё», «Қароқчиқум» ва «Пахтачилик» каби йирик ширкатлар бўлиб, Қўқон биржа қўмитасининг маълумотларига кўра, уларнинг эътибори «хазинага, жамоаларга ва хусусий шахсларга тегишли пахта майдонларини суғориш ва эксплуатация қилиш»га қаратилган эди[24]. Шу мақсадда «Сирдарё» ширкати 355 десятина ерни сотиб олган, қўшимча яна «Қорашаҳар» жамоасидан 234 десятина ерни ижарага олган, «Пахтачилик» жамияти турли қишлоқлардаги хусусий ер эгаларидан қарийб

1,7 минг десятина ерни ижарага олган[25]. Бундай хусусий ва ижарага олинган ерлар яна чоракорларга ижарага берилган. Бу жамиятнинг фаолияти капиталининг суғориш тармоқларига ҳам кириб келганлигини кўрсатади. Бироқ, бу капитал ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун эмас, балки эксплуатация қилишни кучайтириш ва хусусий бойлик тўплаш учун сарфланди.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, чоризмнинг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатди. Ўлканинг рус савдо-саноат буржуазияси хом-ашё базасига айланрилиши натижасида қуйидаги жараёнлар содир бўлди:

1. Жаҳон бозорида пахта нархининг ошиб бориши туфайли Туркистонда пахта етиштириш ва уни четга ташиб кетиш кучайди;

2. Пахтачиликнинг нисбатан сердаромад соҳага айланиши, унинг ўлка қишлоқ хўжалигидан бошқа экинларни (айниқса, Фарғона водийсида) сиқиб чиқаришига сабаб бўлди. Оқибатда, пахта яккаҳоқимлиги учун замин яратилиб, ўлка аҳолисининг дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёжини кучайтирди;

3. Етиштирилаётган пахтанинг миқдори ва сифатига эътибор кучайиб, маҳаллий навлар ўрнига америка пахтаси навлари кўплаб экила бошлади;

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига капиталистик бозор муносабатларининг кириб келиши қишлоқ аҳолиси ўртасида ижтимоий табақаланишни тезлаштирди. Ерлар бир гуруҳ мулкдорлар қўлида тўпланиб, ўз ерларидан ажралган деҳқонларнинг катта қисми ёлланма ишчиларга айландилар;

5. Қишлоқ хўжалигига товар-пул муносабатларининг кириб келиши туфайли, маҳсулот етиштирувчиларнинг катта қисми бозор муносабатларига тортилдилар.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қаранг. Ўзбекистон тарихи. 1-жилд, II-китоб. -Тошкент, 1957. 106-б.
2. Галузо П.Г. Туркестан-колония ... -С. 14.
3. ЎР МДА, ф. И-1, р.16, х.1701. в.9.
4. Ўша ерда. в.6.
5. Бабахонов М. Предпосылки революционного союза трудящихся. Туркестанского края с Российском пролетариатом. –Душанбе: «Ирфон», 1975. -С. 21.
6. Зиёев Х. Чоризм ва пахта яккаҳоқимлиги // Шарқ юлдузи. 1991, №5.
7. Бабахонов М. Предпосылки революционного союза трудящихся. Туркестанского края с Российском пролетариатом. –Душанбе: «Ирфон», 1975. -С. 21.
8. Масальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии... -С. 13.
9. Зиёев Х .З. Чоризм ва пахта яккаҳоқимлиги // Шарқ юлдузи, 1991, №5. 173-б.

10. Соколов Н.П. О характере естественно-исторических исследований Средней Азии до Октябрьской революции. –Москва-Ташкент: САОГИЗ, 1933. -С. 40.
11. Соколов Н.П. О характере естественно-исторических исследований Средней Азии до Октябрьской революции. –Москва-Ташкент: САОГИЗ, 1933. -С. 40.
12. Гейер И.И. Туркестан... -С. 56-57.
13. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае... -С. 107.
14. ЎР МДА, ф. И-1, р. 1008, х. 177, в. 1886-1908.
15. Отчёт Кокандского биржевого комитета за 1913 г. –Коканд. 1914. -С. 53.
16. Ульмасов А.К. Создание социалистической экономики в Узбекистане. Рукопись дисс. на соиск. учен. степ. д. э. н. –Ташкент, 1969. -С. 74.
17. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября... -С. 29.
18. Мусаев Н. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан (XIX асрнинг II ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2011. 20-б.
19. Гейер И.И. Туркестан... -С. 56-57.
20. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае... -С. 107.
21. ЎР МДА, ф. И-1, р. 1008, х. 177, в. 1886-1908.
22. Отчёт Кокандского биржевого комитета за 1913 г. –Коканд. 1914. -С. 53.
23. Ульмасов А.К. Создание социалистической экономики в Узбекистане. Рукопись дисс. на соиск. учен. степ. д. э. н. –Ташкент, 1969. -С. 74.
24. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч. I... -С. 12.

Мусаев Н.У.

Д.и.н., профессор кафедры «Истории Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

MusayevN@gmail.com

УСИЛЕНИЕ ВНИМАНИЯ К РАЗВИТИЮ ХЛОПКОВОДСТВА В ТУРКЕСТАНЕ В ПЕРИОД ГОСПОДСТВА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ

АННОТАЦИЯ

Развитие капиталистического производства в Европе оказало влияние на промышленное развитие России, где формировавшаяся буржуазия первоначально усилила внимание к текстильной промышленности и, стремясь к расширению рынков сбыта и поиску источников сырья, обратила свои интересы на рынки Кавказа и Средней Азии. Ими были завезены сорта хлопка, пользовавшиеся высоким спросом в США. После ввода в эксплуатацию Туркестанской железной дороги значительно возрос интерес к развитию хлопководства и строительству промышленных предприятий, вследствие чего в регион начали активно проникать многочисленные российские и зарубежные компании.

Ключевые слова: Гражданская война в США, Чиновники царской администрации, Военно-феодальная система управления, Русская буржуазия, Рынки Кавказа и Средней Азии, Хлопководство, Шовинистические движения.

Musayev N.U.

DSc., professor at the department of «History of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

MusayevN@gmail.com

STRENGTHENING ATTENTION TO THE DEVELOPMENT OF COTTON CULTIVATION IN TURKESTAN DURING THE PERIOD OF RUSSIAN IMPERIAL RULE

ABSTRACT

The development of capitalist production in Europe influenced Russia's industrial growth, where the emerging bourgeoisie initially intensified its focus on the textile industry and, in pursuit of expanding markets and securing sources of raw materials, turned its attention to the markets of the Caucasus and Central Asia. Cotton varieties that were in high demand in the United States were introduced to the region. Following the commissioning of the Turkestan Railway, interest in cotton cultivation and the construction of industrial enterprises increased significantly, resulting in the active penetration of numerous Russian and foreign companies into the region.

Key words: American Civil War, Officials of the Tsarist Administration, Military-Feudal System of Governance, Russian Bourgeoisie, Markets of the Caucasus and Central Asia, Cotton Cultivation, Chauvinistic Movements.